

№ 9/4-1/0001

Транспорт воситалари эгаларининг
фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш
ШАРТНОМАСИ

Самарқанд ш.

20 январь 2022 й.

"ALSKOM" Сугурта Компанияси Акциядорлик Жамияти, кейинги ўринларда Сугурталовчи деб номланувчи, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган СФ № 00211 серияли лицензия асосида амалга ошираётган Ишчинома асосида ҳаракат қилувчи филиал Директори Жалилов А.Н. бир тарафдан ва қуйида СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ деб юритиладиган, Низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи тарафдан "Инак йўли ТХУ" биринчи проректор Элтазаров Ж.Д. биргаликда ТОМОНЛАР, мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги 222-сон Қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қондаларига (кейинги ўринларда Мажбурий сугурта қилиш қондалари) мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий сугурта қилиш) объекти – транспорт воситасидан фойдаланганда жабрланувчилар ҳаёти ва соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган фукаролик жавобгарлиги билан боғлиқ транспорт воситалари эгаларининг мулкӣи манфаатлари ҳисобланади.

1.3. Мазкур Шартномада келтирилмаган барча масалалар бўйича Томонлар Мажбурий сугурта қилиш қондаларига амал қилади.

2. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда учинчи шахсга етказилган зарарни қоплашни назарда тутадиган Сугурта қилдирувчи фукаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ҳодисаси ҳисобланади.

3. СУГУРТА ҲОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фукаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ҳодисаси ҳисобланмайди:
-мажбурий сугурта бўйича сугурта полисида (бундан буён матида сугурта полиси деб юритилади) кўрсатилмаган транспорт воситасидан етказилган зарар;

- маънавий зарар етказилганлиги ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш мажбурияти юзага келганлиги;
- транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, сновлар ёки ўқув машқлари мобайнида фойдаланилганда зарар етказилганлиги;
- атроф муҳитнинг ифлосланганлиги;
- ташйлаётган юк таёсирида зарар етказилганлиги, агар бундай жавобгарлик мажбурий сугуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сугурта қилиниши лозим бўлса;
- ҳодимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги, агар бу зарар мажбурий сугуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаши лозим бўлса;
- ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташйлаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган ускуналарга зарар етказганлиги;

- юқин ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган қорхона, муассаса ёки танкилот ҳудудида ҳаракатланаётганида зарар етказилганлиги;
- нодир ва бошқа ноёб буюмларга, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмларга, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа махсулларига, қимматли қоғозларга, нақл пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;
- жабрланувчиларнинг сугурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлари натижасида зарар етказилганлиги.

3.2. Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлиги 3.1-бандда келтирилган вазиятларда юзага келган тақдирда, етказилган зарар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

4. СУГУРТА СУММАСИ, СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта суммаси ҳар бир транспорт воситаси учун уларга сугурта полиси расмийлаштирилган кундан 40 000 000 (Қирқ миллион) сум миқдорига белгиланади, шундан:

- а) сугурта суммасининг 35 фонзигача – жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказганлик учун;
- б) сугурта суммасининг 65 фонзигача – жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганлик учун.

4.2. Транспорт воситалар сони 2 дона (иловага мувофиқ).

4.3. Мазкур Шартнома бўйича умумий сугурта суммаси 40 000 000 (Қирқ миллион) сумни ташкил этади.

4.4. Ҳар бир транспорт воситаси бўйича сугурта мукофоти Мажбурий сугурта қилиш қондаларида белгиланган тартибда ҳисобланади.

4.5. Мазкур Шартномага илова қилинадиган Ариза-анкеталарга мувофиқ умумий сугурта мукофоти 144 000 (бир юз қирқ тўрт минг) сўмга тенг.
4.6. Сугурта мукофоти пул ўтказиш йўли билан бир йўла тўланади (100% олдидан тўлов). Мазкур шартнома бўйича Сугурталовчининг жавобгарлиги пул маблағлари Сугурталовчи (унинг вакили)нинг ҳисоб рақамига тушган кундан, аммо аввал тузилган сугурта полисида кўрсатилган сугурта даври тугаши санасидан олдин бўлмаган санадан қучга қиради.

4.7. Агар Шартнома (полис)нинг амал қилиш даврида Сугурталовчи томонидан сугурта товони тўланган бўлса, Сугурта қилдирувчи Сугурталовчидан сугурта товони тўлангани тўғрисида хабар олинганидан сўнг икки ҳафтадан ортмаган муддат ичида тўланган сугурта товони миқдорига ва Шартнома (полис) амал қилишининг қолган даврига мутаносиб равишда сугурта мукофотини қўшимча тўлайди. Қўшимча тўланган сугурта мукофоти миқдори Мажбурий сугурта қилиш қондаларида белгиланган тартибда ҳисобланади.

5. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

5.1. Мазкур Шартнома сугурта полисида кўрсатилган муддатга тузилади ва имзоланган пайтдан бошлаб қучга қиради.

5.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси мазкур Шартномада кўрсатилган сугурта мукофоти тўланганидан сўнг берилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Сугурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Ўз вакилларини (ҳайдовчиларини), ИТХ вужудга келган тақдирда улар йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати вакилларини қутқариши, мажбурий сугурта бўйича сугурта полиси нуسخасини жабрланувчига (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига) топширишлари кераклиги тўғрисида огоҳлантириши.

6.1.2. Сугурта ҳодисаси юз берган тақдирда:

- дарҳол, йўл-транспорт ҳодисаси юз берганидан сўнг 72 соатдан кечиктирмай, бўлган воқеа ҳақида Сугурталовчининг мажбурий сугурта қилиш қондаларининг 6-иловасига мувофиқ ёзма равишда огоҳлантириш ва сугурта полиси нуسخасини илова қилиши;
- зарарни бартараф этиш ва (ёки) қамайтириш учун мумкин бўлган барча чораларни кўриши.

6.1.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши.

6.2. Сугурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

6.2.1. Сугурталовчининг ёзма розилиги билан жабрланувчиларга ўз ҳисобидан етказилган зарар қоплаганлиги ва тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинганидан сўнг сугурта тўловларини олиши.

6.3. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

6.3.1. Мазкур Шартномада кўрсатилган ҳолларда сугурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг беш иш куни ичида сугурта

товонини жабрланувчига (унинг мерохўри ёки ҳукукий ворисига) ёки Сугурта қилдирувчига (агар зарар унинг ҳисобидан қопланган бўлса) тўлаш.
6.3.2. Сугурта полиси ва махусе давлат белгиси йўқолган тақдирда уларнинг дубликатини бериш. Дубликат Сугурта қилдирувчи мурожаат қилганидан ва дубликатларини тайёрлаш учун сугурта мукофотининг 10% дан ортмаган миқдорда харажатларини тўлаганидан сўнг, яъни бу ишда берилган.

6.4. Сугурталовчинини ҳуқуқлари:

6.4.1. Агар кўриқдан ўтказиш ва шикастланган мол-мулк ёки унинг қолдиқларининг мустақил экспертизадан (баҳолашнингдан) шивал шикастланган мулк таъмирлангани ёки унинг қолдиқлари чиқиндига чиқарилгани натижасида сугурта ҳодисаси юз берганини ва мазкур Шартнома бўйича қоплангани зарур бўлган зарар миқдорини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаса, жабрланувчига (унинг мерохўрига ёки ҳукукий ворисига) сугурта тўлови ёки унинг бир қисmini тўлашда рад жавобини бериш.

6.4.2. Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш ёки уни тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Сугурта қилдирувчига, у ёзма равишда мурожаат қилган вақтдан ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши шарт.

7. СУГУРТА ТОВОННИНГ ТўЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Сугурта товони Сугурталовчи томонидан бевоқиф жабрланувчи (унинг мерохўри ёки ҳукукий ворисига) етказилган зарар миқдорда, аммал сугурта суммасидан ошмаган миқдорда тўланади.

7.2. Агар сугурта ҳодисаси юз берганида сугурта суммаси бир нечта жабрланувчига тўланиши керак бўлса, ва уларнинг сугурталовчига қўйилган талаблари сугурта товони миқдоридан ошмаган бўлса, сугурта товонининг умумий миқдори мазкур шахслар ўртасида, ҳар бир шахснинг умумий талаб миқдоридagi қисмига мутаносиб равишда тўланади.

7.3. Агар Сугурталовчининг ёзма розилиги билан Сугурта қилдирувчи жабрланувчига етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплаган бўлса, Сугурта қилдирувчи етказилган зарарни қоплаш тартибида тўловларни амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишидан сўнг, Сугурталовчи сугурта товонини Сугурта қилдирувчига тўлайди.

Бунда Сугурта қилдирувчи қуйидаги ҳужжатлар (асл нусхаси ёки нусхаси)ни тақдим этиши лозим:

- жабрланувчининг сугурта товонини тўлаш талаби бўйича аризаси;
- сугурта полиси;
- етказилган зарар факти ва миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида ҳудуд ёки қарор, тиббий муассасадан маълумотнома ёки ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим тўғрисидаги даъволатнома ёки гувоҳнома);
- мол-мулкка етказилган зарар факти ва миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат даъволатномалари, юк қого'лари, асосий воқеалар китобидан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш тўғрисида шартномалар, мустақил баҳоловчининг мол-мулкни баҳолаш даъволатномалари ва ҳоказо);
- жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- мерохўрлик ёки ҳукукий ворисликка кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек мерохўрларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ҳукукий ворисини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар сугурта товони жабрланувчининг мерохўрлари ёки ҳукукий ворисларига тўланган бўлса);
- тўлов амалга оширилгани тўғрисида банк белгиси қўйилган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

7.4. Сугурта товони сул харажатларини, шунингдек жарима ва бошқа шунга ўхшаш тўловларни қопламайди.

8. РЕГРЕСС ТАЛАБНИНГ ҚўЙИШИ ҲУҚУҚИ

8.1. Сугурталовчи зарар етказган шахсга ўзи тўлаган сугурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- а) мазкур шахснинг касали оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;
- б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастилик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотрон моддалар ёки шахсини шайқошдириш таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсир остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;
- в) мазкур шахс уни фойдаланаётганда зарар етказган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;
- г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;
- д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга руҳсат этилган шахс сифатида мажбурий сугурта шартномаси (полиси)га та киртилмаган бўлган;
- е) сугурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий сугурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ бир даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса.

8.2. Бунда сугурталовчи мазкур шахсдан сугурта ҳодисасини кўриб чиқаришда қилинган харажатларни қоплаб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Сугурта қилдирувчи ва Сугурталовчи мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сугурта Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда жавобгар бўлади.


9.2. Мазкур Шартномадан келиб чиққан барча низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади, келишмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг қонунийлигига мувофиқ ҳал этилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАЅВИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

СУГУРТАЛОВЧИ ТОМОНДАН

«ALSKOM» АЖ СК
Самарқанд филиали
Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд ш. Бобур Мирзо 5
х/р № 20208000400155291153
«Алоқабанк» Сам.фили.
МФӨ 00401, СТИР 201941144, ХТТУТ 96220
Тел/факс 233-81-01

Директори
А.Н.Жалилов



Мухоммадов Ж.Д.
Muxommatov J.D.
Muxommatov J.D.
Muxommatov J.D.

Транспорт воситалари эгаларининг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
сугурта қилиш Шартномасига
Илова
№ Sh 9/4-1/0001 «*30*» январь 2022 й.

Транспорт воситалари руйхати

№ т/р	ТВ Маркаси ва модели	ТВ давлат рақами	Хисобланган сугурта муқофоти
1.	Gaz A65 R33 60	30 823 FAB	144 000
	ЖАМИ:		144 000

Сугурта қилдирувчи номидан :



M. P. J. J. J.
(имзо, нем фамилияси тулик)

Сугурталовчи номидан :



(имзо, нем фамилияси тулик)

